O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI

001771

# BUYRUQ

Toshkent shahri

«27» -oktabr 2021 y. № 146-ICh

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-oktabrdagi PQ-5263-son qarori ijrosini tashkil etish to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-oktabrdagi "Normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida" PQ-5263-son qarori ijrosini tashkil etish maqsadida, **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-oktabrdagi PQ-5263-son qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-oktabrdagi PQ-5263-son qarori ijrosini tashkil etish bo‘yicha chora-tadbirlar rejasi 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Qo‘mita tomonidan 2021-yilda amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish Rejasi 2-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

4. Qo‘mita tomonidan 2022-2026-yillarda amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o‘tkazish reja-grafigi 3-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

5. Devonxona (Ikramova) mazkur buyruq nusxasini Qo‘mita markaziy apparati tarkibiy bo‘linmalari, Iste’molchilar huquqlarini himoya qilish agentligi va hududiy boshqarmalarga yuborilishini ta’minlasin.

6. Mazkur buyruqning bajarilishini nazorat qilish raisning birinchi o‘rinbosari B.Karimov zimmasiga yuklatilsin.

**Rais** **Sh. Sharaxmetov**

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги
146-ICh-сонли буйруғига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5263-сон Қарори ижросини таъминлаш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Топшириқ | Чора-тадбир | Бажариш муддати | Масъул ижрочи | Назорат |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5263-сон Қарори бўйича** | | | | | |
| 1. | 7. Белгилансинки,<br>2022-2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-графигига (кейинги ўринларда - Режа-график) асосан ишларни ташкил этишда:<br>а) давлат органлари ва ташкилотлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади, натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади. | Тасдиқланган режа-график асосида экспертизадан ўтказиш, натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритиш. | 2022 йил июл-сентябрь | Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Б. Каримов |
| 2. | 8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:<br>...<br>давлат органлари ва ташкилотлари Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини Махсус ишчи гуруҳ томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши учун Адлия вазирлигига буюртма бериши мумкин. Бунда экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади. | Заруратга кўра, 2022-2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-графигида белгиланган қўмита фаолиятига оид соҳалар доирасида амалдаги қонунчилик ҳужжатларини Махсус ишчи гуруҳ томонидан коррупцияга қарши | Заруратга кўра | Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Б. Каримов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | асосида давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади. | экспертизадан ўтказилиши учун Адлия вазирлигига буюртма бериш.<br>Бунда экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича тегишли чоралар кўриш. | Буюртма берилгандан сўнг белгиланган муддатларда | Л.Аллаев | |
| 3. | 11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:<br>Адлия вазирлиги ҳар олти ой якунида давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижаларига кўра уларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида тегишли таклифларни давлат органлари ва ташкилотларига киритади;<br>давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари юридик хизмат ходимларини лавозим маошларининг 100 фоизи миқдорида бир марталик пул маблағлари бериш орқали рағбатлантириш ёки белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади. | Адлия вазирлиги томонидан ҳар олти ой якунида Қўмитанинг юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра уларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида тегишли таклифларни киритганда юридик хизмат ходимларини лавозим маошларининг 100 фоизи миқдорида бир марталик пул маблағлари бериш орқали рағбатлантириш ёки белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш. | Таклифлар киритилганда | Б.Махмудов<br>Л.Аллаев<br>Д.Насирова<br>Ш.Шадманкулов | Б. Каримов |
| **Қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” бўйича** | | | | | |
| 4. | 4. Объектларни “fast-track” усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан “тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қуришга рухсат беришда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш. | Қурилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги ПФ-5445-сон “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги ПФ-5445-сон “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари асосида “fast-track” усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан “тайёр ҳолда топшириш” шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини ишлаб чиқиш назарда тутилади. | ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари асосида “fast-track” усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан “тайёр ҳолда топшириш” шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини ишлаб чиқиш назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | белгиланган муддатларда | | |
| 5. | 5. Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ҳамда аккредитация қилишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон “Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш | Қурилиш вазирлиги томонидан Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ҳамда аккредитация қилишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида:<br>-қурилиш соҳасида лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Қурилиш вазирлиги томонидан қабул қилинишини белгилаш;<br>- баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, кўприклар ва тоннелларни, мудофаа объектларини, хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилишини белгилаш;<br>-баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, кўприклар ва тоннелларни, мудофаа объектларини, хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни топшириш "Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилишини белгилаш;<br>-лицензия бериш тўғрисида қарор қилинганда, лицензия талабгори давлат божини тўлаши лозим бўлган муддатни ҳамда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, лицензия талабгори рад этишнинг сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни аниқ белгилаш; | тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | -лицензиат даврий нашрларда йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши билан боғлиқ тартибни бекор қилиш;<br>- баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, кўприклар ва тоннелларни, мудофаа объектларини, хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия лицензиати томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини режали текшириш тартибини бекор қилиш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сон “Қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тўғрисида”ги қарорида:<br>- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш ҳамда Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш учун ундириладиган давлат божи ва йиғимнинг 11,25 фоизини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини белгилаш;<br>- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиями унинг қонунийлигини онлайн текшириш имконини берадиган QR-код (матрик штрихли код) қўйган ҳолда расмийлаштиришни белгилаш;<br>- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия лицензиати томонидан лицензия талаблари ва | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | шартларига риоя этилишини режали текшириш тартибини бекор қилиш;<br>-аккредитация қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда аккредитацияловчи органнинг тадбиркорлик субъектлари олдидаги мажбуриятларини белгилаш назарда тутилади. | | | | |
| 6. | 6. Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ҳамда экспертизадан ўтказишда қонунийлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон “Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Вазирлар Маҳкамасининг “Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига 1-4 ва 6-иловалар давлат тилидаги матнда берилишини таъминлаш;<br>давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида шаҳарсозлик ҳужжатларида аниқланган камчиликлар хулоса чиқаришга имкон бермаган тақдирда, буюртмачи давлат экспертизаси органининг бу ҳақидаги хабарномасини олган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида аниқланган камчиликларни бартараф этиши мумкинлигини белгилаш;<br>ҳуқуқий давлат экспертизаси бошқармалари томонидан III мураккаблик тоифасидаги | Қурилиш вазирлиги томонидан Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ҳамда экспертизадан ўтказишда қонунийлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон “Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | Ш.Шадманкулов<br>М.Камилов<br>Д.Насирова | Б. Каримов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | объектларнинг, шунингдек республиканинг бошқа ҳудудларида жойлашган объектларнинг давлат экспертизаси ўтказилиши мумкин бўлган ҳолатларни белгилаш;<br>шартномага мувофиқ ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий объектлар муддатидан олдин фойдаланишга топширилган тақдирда пудратчига ўтказиладиган бонуснинг аниқ миқдорини белгилаш назарда тутилади. | | | | |
| 7. | 7. Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслардан ундириладиган давлат божи ва йиғимнинг 11,25 фоизини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини белгилаш;<br>шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник тартибга солиш норматив ҳужжатларига амал қилиниши, қурилиш-монтаж ишлари сифати ва тўлиқ бажарилиши юзасидан инспекция томонидан назорат функцияларининг амалга оширилиши учун хабарнома юборувчи томонидан ҳудудий инспекцияларга ажратмалар миқдорини қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда белгилаш; | Қурилиш вазирлиги томонидан Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сон “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | Ш.Шадманкулов<br>М.Камилов<br>Д.Насирова | Б. Каримов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қайси тоифадаги ер участкаларида жойлашган қурилмаларни турар жой хоналари сифатида қайта ихтисослаштириш учун рухсатнома олиш мумкинлигини аниқ белгилаш;<br>архитектура-режалаштириш топшириғини қоғоз шаклда чиқариб, муҳр босиш амалиётини бекор қилиш ва қонунийлигини онлайн текшириш имконини берадиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштириш;<br>лойиҳа ташкилотлари қурилиш ҳажми 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган объектларни бевосита туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари билан келишишини белгилаш;<br>қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан хабарнома юбориш тартибини бекор қилиш;<br>қурилиш ҳажми 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни фойдаланишга қабул қилишда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг рухсати талаб этилмаслигини белгилаш назарда тутилади;<br>пудрат ташкилотлари томонидан қуриладиган (қурилган) кўп квартирали уй-жойлардаги ҳар бир квартиранинг таснифи бўйича маълумотларни тақдим этиш шаклини белгилаш. | | | | |
| 8. | 9. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги 355-сон “Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига | Қурилиш вазирлиги томонидан Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>танлов комиссиясининг танлов ҳужжатларини ва талабгорларга қўйиладиган танлов таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига қўйиладиган шартлар ва талабларни белгилаш ваколатларини бекор қилиш;<br>танловлар ўтказиш тўғрисидаги эълонни махсус ахборот порталига жойлаштириш;<br>талабгорларнинг оферталарини кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборотни мажбурий равишда эълон қилиш;<br>кўп квартирали уй-жой қурилиши режалаштирилган макромассивларни тайёр ҳолга келтириш бўйича бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларни беришнинг аниқ муддатини белгилаш;<br>танлов талаби шартнома тузишни рад этган ёки шартнома белгиланган муддатда унинг бажарилиш кафолати тақдим этилмаган тақдирда, иккинчи ўринни олган оферентни ғолиб деб эътироф этиш тартибини белгилаш назарда тутилади. | 2020 йил 4 июндаги 355-сон “Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | | | |
| 9. | 21. Давлат харидлари ҳамда капитал қурилишда танлов савдоларини ўтказиш жараёнларида шаффофликни таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги муносабати билан ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш, шунингдек капитал қурилишда қонунийликни таъминлаш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг | Молия вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан Давлат харидлари ҳамда капитал қурилишда танлов савдоларини ўтказиш жараёнларида шаффофликни таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги муносабати билан ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш, шунингдек капитал қурилишда қонунийликни | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини ўз кучини йўқотган деб топиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган рўйхатни тўлиқ қайта кўриб чиқиб янгилаш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 февралдаги 91-сон "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича танлов (тендер) ўтказишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон "Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқаштириш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сон "Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунга асосан қайта кўриб чиқиш;<br>Давлат харидлари соҳасига оид Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 3016, 2018 йил | таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 26 май) бекор қилиш ҳамда харид қилиш тартиб таомилларини тартибга солувчи ягона регламентни ҳукуматнинг қарори асосида тасдиқлаш назарда тутилади. | | | | |
| 10. | 22. Давлат харидларини амалга оширишнинг алоҳида тартиби (истисно ҳолатлар) белгиланган нормаларни бекор қилиш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридаги ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга ошириш тартибини бекор қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4731-сон ““Олмалиқ КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридаги “Олмалиқ КМК” АЖ концентратлар ва металлургия хом ашёсини тўғридан-тўғри шартномалар (контрактлар) бўйича олиб киришини бекор қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4643-сон “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги | Молия вазирлиги томонидан Давлат харидларини амалга оширишнинг алоҳида тартиби (истисно ҳолатлар) белгиланган нормаларни бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қароридаги аэрофотосурат олишга мўлжалланган ресурстежамкор самолётни ҳамда уни жиҳозловчи лазерли мультиспектрал камерани, истисно тариқасида, тендер савдоларисиз, ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилиш тартибини бекор қилиш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг тадбирлар (анжуманлар, брифинглар, “давра суҳбатлари”, тақдимотлар ва бошқалар)ни ташкил этиш билан боғлиқ Агентликка юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлар (хизматлар)ни етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини бекор қилиш;<br>Шунингдек тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали харид қилиш тартиби белгиланган барча нормаларни бекор қилиш ҳамда ушбу харидларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида амалга оширишини белгилаш назарда тутилади. | | | | |
| 11. | 23. Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон “Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат | Қурилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказишда | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича) ҳукумат қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>танлов савдолари бўйича ҳудудий танлов комиссиясининг танлов ҳужжатларини ва талабгорларга қўйиладиган танлов таклифларини баҳолаш мезонларини белгилаш, танлов ҳужжатларига, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига қўйиладиган шартлар ва талабларни белгилаш ваколатларини бекор қилиш;<br>офертани тақдим этиш муддатини узайтиришнинг аниқ чегарасини, талабгорларнинг асосий ва айланма маблағларнинг миқдорига қўйиладиган талабнинг, танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун тўловнинг аниқ миқдорини белгилаш;<br>танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги эълонни махсус ахборот порталига жойлаштириш;<br>танлов комиссиялари мажлисларида жамоатчилик вакилларининг мажбурий иштирокини таъминлаш;<br>оферталарни бериш муддати тамом бўлган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичида оферталарни очиш тартибини жорий этиш;<br>танлов савдоларининг ғолибини ҳудудий танлов комиссиясининг очиқ мажлисида аниқлаш амалиётини жорий этиш;<br>талабгорларнинг оферталарини кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборотни мажбурий равишда эълон қилиш;<br>танловга қатнашиш учун иккитадан кам оферта тушганда танловни ўтказилмаган деб топиш, танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этган ёки контракт белгиланган муддатда ижро этилиши | қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон "Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича) ҳукумат қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | кафолати тақдим этилмаган тақдирда иккинчи ўринни олган оферентни ғолиб деб эътироф этиш тартибини белгилаш назарда тутилади. | | | | |
| 12. | 24. Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.<br>Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада:<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 февралдаги 55-сон “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:<br>-танлов иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати порталда эълон қилинган кундан бошлаб беш иш кундан кам бўлмаслигини белгилаш;<br>-тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати порталда эълон қилинган кундан бошлаб ун икки иш кунидан кам ва ўттиз иш кундан кўп бўлмаслигини белгилаш;<br>-танловда ягона оферент иштирок этганда ёки бирорта ҳам оферент иштирок этмаганда, харид комиссияси танловга кириш учун оферентларга нисбатан қўйилган электрон рейтинг баҳони бир даража пасайтириш ҳуқуқига эгалигини белгилаш;<br>-танлов ғолиби деб топилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари қурилиш ишларининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариши зарурлигига оид нормани киритиш;<br>2022 йил 1 январдан амал қиладиган, қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф тартибини белгиловчи низомни тасдилдаш назарда тутилади. | Молия вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда қонунийлик очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси Қўмитага киритилганда тегишли муносабат билдириш. | Қарор лойиҳаси келиб тушгандан сўнг белгиланган муддатларда | М.Камилов<br>Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова | Ф. Карабаев |

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги
146-ICh-сонли буйруғига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5263-сон Қарорига асосан 2021 йилда Қўмита томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш**

**РЕЖАСИ**

| № | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи ва реквизитлари | Ижро муддат | Масъул ижрочи |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни | 2021 йил 30 ноябрь | Ш.Шадманкулов Д.Насирова Д.Ботиров У.Давлатов Ж.Хомидов |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони | | |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори | | |
| 4. | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сон “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори | | |
| 5. | Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2147, 2010 йил 11 октябрь) | | |

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги
146-ICh-сонли буйруғига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5263-сон Қарорига асосан Қўмита томонидан 2022-2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш**

**РЕЖА-ГРАФИГИ**

| № | Соҳалар | Коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар | Ижро муддат | Масъул ижрочи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 3. Тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти | Кўриб чиқиладиган соҳалар - рақобат тўғрисида қонунчилик, табиий монополиялар тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонунчилик. | 2022 йил | Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова<br>Д.Ботиров<br>Э.Хаитметов<br>Таркибий бўлинма раҳбарлари |
| 2. | 11. Ахборот ва ахборотлаштириш | Кўриб чиқиладиган соҳалар – реклама қонунчилиги. | 2024 йил | Ш.Шадманкулов<br>Д.Насирова<br>Э.Хаитметов |